Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 13-may, seshanba № 59 (3408)

Муносабат

Бугун биз ҳаммамиз ўзгача шукуҳ ичра яшамоқдамиз. Муҳтарам Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат асноси айтган сўзлари онгимизда, шууримизда, қалбимизда акс-садо бермоқда.

Урушнинг оти ўчсин! Бугунги тинч ва осуда ҳаётга қанчадан-қанча йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилганлиги бир-бир хаёлдан ўтади. Беихтиёр шукроналик ҳисси бутун вужудимизни эгаллайди.

Ризқ-рўз ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, аҳилчилик, тотувлик ҳукм сурган жойдагина туп қўйиб, палак ёзади. Бунга бугун ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Инсон қадр топган юрт

жаннатмонанд қиёфа касб этиб, албатта, гуллаб-яшнайди

Дунёнинг исталган бурчагига боринг, бинолари осмонга бўй чўзган номдор шаҳарлар кўчаларини айланинг, Тошкентдагидек ажиб бир осойишталик ва бағрикенг инсонларнинг меҳрини ҳис этиш қийин. Шунданми, пойтахтимизда бир бўлган одам яна келишни ният қилади.

Вақт ўтган сайин одамлар ҳам, ҳаёт ҳам, шаҳарлар ҳам ўзгариб бораверади. Бугунги Тошкент кечаги Шош эмас. Кўкчадан — Қўйлиққача, Юнусободдан — Дўмбирободгача кезиб чиққан одам мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорликларнинг кўламини бир варакайига тасаввурига сиғдиролмайди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган бемисл ишлар туфайли пойтахтимиз қиёфаси тамоман ўзгарди.

Кексаларимиз жуда яхши эслашади: бугунги кенг ва равон кўчалар илгари қандай аҳволда эди? Ҳозирги муҳташам бинолар ўрнида нималар бор эди?.. Пойтахтимиз марказида, Амир Темур хиёбонининг кунчиқар томонида қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини олиб кўрайлик. Эрта тонгда қуёш гўёки шу бино узра шаҳарга нур таратиб тургандек. Тунда эса шаҳар бағри — гўё юлдузлар чарақлаган осмон. Бу бино тўлин ой мисол шаҳарни ёритиб туради.

Бундан атиги бир-икки йил илгари Алишер Навоий шоҳкўчасининг Абай кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Хадра майдони томон юрсангиз, чап томонда нималарни кўрар эдингиз? Буни ҳамма билади. Бир-бирига суянишиб турган савдо дўкончалари ўрнида бугун замонавий, муҳташам, меъморий жиҳатдан ўзига хос турар жойлар бунёд этилди. Унинг ёнидан ўтган ҳар бир ҳамюртимизнинг кўкси беихтиёр ифтихор туйғусига тўлади.

Бир пайтлар шароитимиздан нолиб юрган бўлсак, эндиликда Эски шаҳарга қаратилаётган эътибордан бошимиз осмонга етмоқда. Хадра майдони эса қисқа фурсатда чинакам болалар шаҳарчасига айланди. Бугун жажжиларнинг қувончи чексиз. Бетон-асфалт қоплангган майдон ўрнида яшил ҳудудлар ташкил этилди. 12 метр баландликдаги рангли фаввора бунёд бўлди. Навоий шоҳкўчасида узунлиги 46 метрли ер ости йўлаги қурилди.

Маҳалламиз пойтахтнинг Эски шаҳар қисмининг қоқ марказида жойлашган. Бу ерда қадимдан ота-боболари касбини давом эттириб келаётган ҳунарманд-косиблар, зардўзлар оилалари яшаб келади. 815 та хонадон, 2661 нафар аҳоли, 2057 та оила аҳил-иноқликда, юрт ободлиги, мамлакат тараққиёти йўлида бир тану бир жон бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

Юртбошимизнинг Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича қарорида ҳам Эски шаҳарни тубдан реконструкция қилиш, янада ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, замонавий талаблар, шаҳарсозлик принциплари ва меъёрларига мувофиқ тарзда ижтимоий, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш, миллий меъморлик анъаналарини асраб-авайлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Мазкур қарор асосида маҳалламизнинг бир қисмида ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Қадимий «Кайковус» ариғи реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштириляпти. Эски, пастқам, зич жойлашган уйлар ўрнида кенг ва равон кўча қурилаётир. «Кайковус» ариғи бўйлари ҳадемай аҳоли сайр қиладиган баҳаво гўшага айланади.

Тарих, аввало, ибрат учун керак, деган нақл бор. Бугун бизга насиб этган бу ёруғ кунлар йиллар ўтиб тарих зарварақидан муносиб ўрин топади, албатта. Ва, шубҳа йўқки, авлодларимиз бизнинг назаримиз тушган ва эркин нафасимиздан чирой очган бардавом дориламон кунларни ўзлари учун ибрат деб қабул қиладилар.

Муфаррах СОДИҚОВА,
Олмазор туманидаги «Намуна» МФЙ диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Шухрат» медали соҳибаси

МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАРИГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғида истиқомат қилаётган Собиржон ота Бадалов Иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида меҳнат қилди.

— Мустақиллик фарзандларига ҳавасим келади, — дейди Собиржон ота. — Улар қўлга киритаётган ютуқлардан тўлқинланиб кетаман. Болаларимга демоқчи бўлганим шуки, мустақилликни, тинчликни асранг, қадрига етинг. Бу кунларга осонликча эришилмаганини унутманг!

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Собиржон ота Бадалов ўқувчилар даврасида.

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссиясида

Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йил декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этади ва ўтказади.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини татбиқ этиш бунга кўп жиҳатдан имкон берди.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самаралорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилнинг апрел ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партиялараро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ФАРҒОНА

Фарғонада «Энг намунали оила» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

НАМУНАЛИ ОИЛА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази вилоят бўлимлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 21 оила иштирок этди.

Танловда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги ҳаётий тажриба, оилада ота-она ва фарзандлар муносабати, маънавият, китобхонлик даражаси, оила аъзоларининг миллий урф-одат ва қадриятларимизни қай даражада билиши, томорқадан унумли фойдаланиш, фарзандларда меҳнат кўникмаси шаклланганги, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маҳалла, жамоат ишларидаги фаоллиги кабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бешариқ туманида истиқомат қилувчи Муроджон Юсупов оиласи биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

НАВОИЙ

Навоийда «Юксак маънавиятли авлод» шиори остида ўтказилаётган республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Фестивалда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари «Президент асарлари билимдони», «Бадиий ижод», «Энг янги тарих билимдони», «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни ифодалаган дизайнер», «Ватан куйчиси» каби номинациялар бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Тадбир доирасида ташкил этилган ҳунармандчилик буюмлари кўргазмасида ёш зардўзлар, кандакор ва каштачилар томонидан яратилган маҳсулотлар намойиш этилди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган 21 нафар иштирокчи мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЎзА

Йил дастури амалда

Ватанимиз Мустақиллигининг илк кунларидаёқ мамлакатимизда халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш, аҳоли ижтимоий ҳимояси ва саломатлиги муҳофазасини кучайтириш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида соғлом оила, соғлом жамият барпо этиш йўналишида ҳеч бир мамлакатда бўлмаган ёндашув асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Уларни ҳаётга татбиқ этишда энг йирик жамоат ташкилоти бўлган Республика касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кўнгиллар оқ бўлсин, либослар каби

Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 9 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун иш берувчи маблағидан 35,1 млн. сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди. Нодавлат мулк шаклидаги 163 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 276 нафар ёш болали аёлнинг ойлик маошини сақлаган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соат этиб белгиланди. Касаба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 млрд. 710 млн. сўм сарфланди.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда имзоланган Жамоа шартномалари орқали 188 та корхонада икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 467 нафар аёлга иш берувчи ва касаба уюшмаси ижтимоий шериклигида 63 млн. сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 40 та корхонада эса 67 нафар ходимнинг фарзандларига чет тилларини ўрганиши учун қарийб 11 млн. сўмлик моддий кўмак йўналтирилди. 283 та оила фарзандлари 8 млн. сўмлик ўқув қуроллари билан таъминланган бўлса, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 27 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва етим талабаларга 43 млн. сўмдан зиёд контракт пуллари тўлаб берилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалиёт даврида ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 5162 нафар кам таъминланган оила вакиллари эса 334,5 млн. сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлдилар.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида жорий йилнинг 1-чораги давомида республика касаба уюшмалари сиҳатгоҳларида кам таъминланган оилалардан 52 нафар аёл, 7 нафар тиббиёт ходими, 13 нафар таълим ходимлари бепул соғломлаштирилиб, 20 та ёш оила 39 та имтиёзли йўлланма билан таъминланди.

Маълумки, 12 май бутун дунёда Халқаро ҳамширалар куни сифатида кенг нишонланади. Мазкур байрам муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, фаолиятда муваффақиятларни қўлга киритаётган 50 нафар ҳамширага касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда дам олиб, соғломлаштирилиши учун бепул йўлланмалар ажратилди.

«Чинобод» санаторийсида бўлиб ўтган тадбирда ҳамширалар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Тантанали маросим ташкилотчилари мамлакатимизда аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилаётган эътибор хусусида гапириб, йиғилганларни байрам билан қутлашди. Шундан сўнг 50 нафар ҳамширага сиҳатгоҳларда даволаниш учун бепул йўлланмалар топширилди.

— Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли поликлиникада 23 йилдан буён ҳамшира бўлиб ишлайман, — дейди қорақалпоғистонлик Гулистон Эржанова. — Фаолиятим давомида туман аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатишга ҳаракат қилиб келяпман. Кўпгина ҳамкасбларим қатори менга ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди. Бундан жуда мамнунман. Ҳамшира дугоналаримиз билан бирга мириқиб ҳордиқ чиқариб, саломатлигимизни тиклаш имкониятига эга бўлдик.

— Алоҳида таъкидлаш зарурки, бепул йўлланмалар билан таъминланган дам олувчилар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда тиббий муолажаларни қабул қилиш билан бирга, кўкрак бези саратони ҳамда аёллар репродуктив тизимининг бошқа сурункали ва онкологик касалликлари бўйича эрта ташхисдан ўтказиладилар, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Махсус ишлаб чиқилган тадбирлар дастури асосида «Саломатлигимиз — ўз қўлимизда», «Юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик — тараққиётимиз кафолати», «Огоҳ бўлинг — одам савдоси» мавзуларидаги давра суҳбатларида иштирок этадилар. Улар учун соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга бағишланган филмлар намойиши ташкил этилади. Шунингдек, дам олувчилар маданий-маърифий тадбирлардан ҳам баҳраманд бўладилар. Ушбу тадбирлар дастуридан пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари ва истиқлол йилларида барпо этилган иншоотларга ташрифлар, Чимён тоғ ён бағирларига саёҳат, репродуктив саломатликка оид маърузалар, турли концерт дастурлари, югуриш марафони ҳамда спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўрин эгаллаган.

Дам олувчилар оилалари қучоғига куч-қувватга тўлиб қайтиши учун сиҳатгоҳларда барча шароит муҳайё этилган. Мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлардан мақсад — мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларга касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссасини қўшиш, бу орқали халқимиз турмуш даражаси ва сифатини янада оширишдир.

Мазкур тадбир «Ҳамшира — 2014» кўрик-танловига уланиб кетди. Кўрик-танловда «Чинобод» санаторийсида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар ўз касб маҳоратларини намойиш этдилар. Танловда, айниқса, улар томонидан репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш йўналишларида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириб келинаётган «Соғлом она — соғлом бола» тамойилининг мақсади ва бу борада эришилаётган самарали натижалар, соғлом оилани шакллантириш, фертил ёшидаги хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, касб маҳорати, муомала маданияти йўналишларида иштирокчиларнинг билим ва малакалари синовдан ўтказилди.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бўлгани каби ҳамшираликнинг ҳам катта масъулияти бор, — дейди танлов ғолиби санаторий ҳамшираси Насиба Азизова. — Санаторийда 80 га яқин ҳамшира меҳнат қилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигидаги ғамхўрлик фаолиятимизга қанот бағишламоқда. Жамоамизда ҳар йили Халқаро ҳамширалар кунини кўтаринки кайфиятда нишонлаймиз. Бугунги танлов орқали нафақат тиббий билимларимиз, балки, маънавиятимиз, санъатга бўлган қизиқишимизнинг нечоғли юқори эканини ҳам намойиш этдик. Шу вазифада ишлаб халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келаётган барча ҳамкасбларимга шарафли касбларида янги муваффақиятлар тилайман.

Танлов ғолиби ва иштирокчиларига касаба уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар байрам дастурига файз киритди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ishonch
2014-yil 13-may № 59 (3408)

Ҳарбийлар учун замонавий уйлар



Шарқий ҳарбий округда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калити топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилма яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасида замонавий уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда. Жумладан, Наманган вилоятида ҳарбийлар учун ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита ва 48 хонадонли битта кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Суратларда: *Шарқий ҳарбий округда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калити топширилди.*

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Етакчи минбари

Наманган шаҳар ҳокимлигининг молия, ғазначилик ҳамда халқ таълими бўлимлари билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ўртасида тизимдаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган жамоа келишувининг 2013 йилда бажарилишини кўриб чиқдик ҳамда 2014-2016 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувини имзоладик.

Устувор мақсадлар йўлида

Тармоқ Марказий кенгашининг Соғлом бола йили муносабати билан белгиланган тадбирларига асосан 2014 йил учун тузилган жамоа шартномаларига қўшимчалар киритилди. Айни пайтда шаҳар бўйича мавжуд 194 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида тузилган жамоа шартномалари орқали 32 мингдан ортиқ ишловчи ходим ва талаба ёшлар ижтимоий ҳимояга олинган.

2014 йил учун касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларида белгиланган аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, янги иш ўринларининг ҳаққоний яратилганлигини таъминлашда фаол иштирок этиш, корхона, ташкилот, муассасаларда қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига эришиш, бошланғич ташкилотлар мавқеи ва нуфузини, касаба уюшмалари тизимидаги кадрлар ва фаоллар салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилишида фаол қатнашиш борасида олиб борилаётган ишлар доимий равишда таҳлил этиб борилмоқда. Дастур бандлари асосида ўтган вақт ичида 112 нафар кам таъминланган оила вакилига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ходимлардан тушган ариза ва шикоятларни муддатида кўриб чиқиш, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаш борасида уларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилаётган ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг қонунчилик билан белгиланган ваколатларидан кенг фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 4 та ариза ҳамда 10 дан ортиқ оғзаки мурожаат қонуний равишда ҳал этилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишловчи ва талаба ёшлар ўртасида маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Тармоқда ишловчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этганлиги боис, улар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратилаётир. Жумладан, «Аёл — мустаҳкам оила таянчи», «Соғлом оила — жамият таянчи», «Ўзбекистон, сени куйлайман» каби кўплаб мавзуларда кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, учрашувлар ташкил этиляпти.

Шунингдек, хукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар жойларда кенг тарғиб қилинмоқда. Меҳнат фахрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, хусусан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон аёллар ҳамда тизимда самарали фаолият юритаётган фаол хотин-қизларнинг 250 нафари рағбатлантирилди.

Наврўз байрами муносабати билан 160 нафар кам таъминланган ходимга моддий ёрдам берилди. 4 нафар якка-ёлғиз, ногирон пенсионерлар ҳолидан хабар олинди. 8 нафар ходимнинг юбилей ва пенсияга кузатиш тантаналари ўтказилиб, уларга шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. 26-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳолидан хабар олинди ва уларга ётоқ жиҳозлари совға қилинди.

Шунингдек, халқ таълими тизимида ишловчиларни жисмонан бақувват бўлишларини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўқитувчи ва ишчи-ходимлар ўртасида спортнинг волейбол (эркаклар ўртасида), шахмат, шашка, стол тенниси (аёллар ва эркаклар ўртасида) ҳамда арқон тортиш турларидан мусобақалар ўтказилди.

Ғолиблар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Нодавлат секторда корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ишловчиларни фаолиятга жалб этиш бўйича шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган мажлис ва йиғилишларда ҳисоботлар эшитилиб, чуқур таҳлил этилди ва бу борада самарали иш олиб бориш вазифаси топширилди. Ҳозирда 7 та нодавлат ташкилотда фаолият олиб бораётган 36 нафар ишловчи касаба уюшмасига жалб этилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланди.

Касаба уюшмаларига қарашли санаторийларда ўтган давр мобайнида тизимдаги муассасаларда ишлайдиган ходимларнинг 7 нафари имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

Касаба уюшмаси томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш юзасидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. 71-умумтаълим мактабида «Касаба уюшма боғи» ташкил қилинган. У ерга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, парвариш қилинмоқда.

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Янги ишга қабул қилинган ёш мутахассисларни ўқув ва амалий машғулотларда ўқув жиҳозларидан фойдаланишда, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, касаначиликни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун «Ҳуқуқларимиз қонун ҳимоясида» мавзусида тадбирлар уюштирилди. Тизимдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан амалга оширилаётган ишлар юзасидан мониторинг йўлга қўйилган.

Муҳайё ҒАФФОРОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Нодавлат секторда

Қашқадарё вилоятида нодавлат секторидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини касаба уюшма ҳимоясига олиш бўйича ишлар қизғин давом этаётир.

Жиддий ёндашув

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, туман (шаҳар) кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат статистика ва солиқ органлари ҳамда лицензия берувчи идоралардан янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, шу асосда хўжалик юритувчи субъектлардаги ишчи-ходимлар ўртасида касаба уюшмалари афзалликлари тарғиб қилиняпти. Ишларни мувофиқлаштириш ва кўмаклашиш вилоят бирлашмаси аппарат ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашларига бириктирилган бўлиб, мазкур йўналишдаги ишлар бирлашма кенгаши раиси ҳузурида ўтадиган йиғилишларда доимий равишда муҳокама қилиб борилаяпти.

Тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида ўтган йили 765 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 7374 ходим аъзоликка қабул қилинди. Жорий йилнинг 1 январига келиб, бошланғич ташкилотлар 3068 тани ташкил этиб, ўтган йил бошидагига нисбатан 174 тага ортгани саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Вилоят бўйича янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш Қарши шаҳри, Китоб, Касби ва Нишон туманларида яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Касби, Нишон, Деҳқонобод, Миришкор ва Китоб туман кенгашлари, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз, Китоб туманлари ва Қарши шаҳар кенгашлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Косон туман кенгаши, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши, шунингдек, Китоб тумани ва Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмиталари ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси томонидан мазкур масалага жиддий ёндашилгани кўзга ташланади.

Бу йилги жараён ҳам олға силжиш давом этаётганини кўрсатади. Январ-март ойларида 269 та нодавлат секторидаги ташкилот ҳамда уларда ишлайдиган 2396 ходим касаба уюшма аъзолигига олинди.

Козим АТАБАЕВ, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мутахассиси

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан «Энг фаол ёш ҳунарманд», «Энг фаол ёш тадбиркор» ва «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» номинациялари бўйича танлов ташкил этилди. Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлимлари ва вилоят сув оқава ишлаб чиқариш бошқармаси ҳамкорлигида чора-тадбирлар белгиланди.

Энг фаоллар танлаб олинди

Дастлаб «Энг фаол ёш ҳунарманд», «Энг фаол ёш тадбиркор» номинациялари бўйича Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Гулистон ва Сардоба туманларида ёш ҳунарманд ва тадбиркорлар аниқлаб олинди.

— «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» танловини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди ҳайъат раиси, Гулистон шаҳар сув оқава ИЧ бошқармаси бошлиғи Х.Ирисбоев. — Бошқарма бўйича 12 та ташкилотда ғолибларни аниқлаш учун 20 дан ортиқ иштирокчилар сараланди. Танлаб олинганлар 15 майда бўлиб ўтадиган вилоят босқичида қатнашади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Андижон вилоятида ўтган йил якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 60 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Аъзолар кўпаймоқда

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси томонидан аъзоликка жалб этишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, ўтган йили 113 та нодавлат секторга мансуб корхона ва ташкилот тармоқ касаба уюшмасига жалб этилиб, аъзолар 2284 нафарга кўпайди. Улардан 1386 нафарини якка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этди.

Касаба уюшма тизимидаги ислоҳотлар натижасида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, мавжуд муаммолар ижобий ҳал этилди.

Дарвоқе, жорий йилнинг ўтган уч ойида вилоятдаги 292 та корхона ва ташкилотда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, аъзолар 2535 нафарга кўпайди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» Республика танловига

Болангман,



Баъзан арзимас муаммолар олдида бош қашиб қолган пайтларимиз бўлади. Ҳатто, тушкунликка ҳам тушамиз. Шундай дамларда асрлар давомида сайқал топиб келган нақллар, мақоллар, ибратли ҳикоятлар бизга ёрдамга келиб, бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қилиш кераклиги ёдимизга тушади. Ёнверимизга қараб, юриш-туриши, сурату сийрати, қилаётган ишлари билан ибрат бўлаётганларни кўрамиз. Улардан бири — Байрамали Қўлдошевдир.

Истиқлол тенгдоши бўлган бу йигит Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги 81-мактабни, сўнг Чим маиший касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Афсуски, ўқишни давом эттиришга ҳозирга қадар давом этган ва энди-энди чекина бошлаган хасталик тўсиқ бўлди. Шунга қарамай унинг кўзларида ўт чақнайди. Албатта, буткул шифо топишига ишонади. Нутқи, фикри, одоби, илмга чанқоқлиги, китобсеварлиги бир олий даргоҳнинг намунали талабасиникидан кам эмас. Ёзган ва ёзаётган асарлари эса унинг туғма истеъдод соҳиби эканидан далолат беради. Илк шеърлари бошланғич таълим давридаёқ вилоят ва республика нашрларида босилган. У вилоятдаги «Воҳа», «Дарё» газеталарида «2012 йилнинг энг яхши ижодкори» деб топилган.

Яқинда унинг ҳаётида унутилмас қувончли воқеа бўлди. «Dizayn press» нашриётида «Болангман, дунё!» номли илк китоби чоп этилди. Шеър ва ҳикоялар мутолааси давомида Байрамалининг назм ва насрда бирдек ижод қилиши, айни пайтда, оддий қишлоқ аҳлининг самимий кайфияти, қаҳрамонлар феъл-атворини борича чизиб бера олишига гувоҳ бўласиз. Муҳими, у кенг тасаввур ва ҳиссиёти асосида таъсирланиб ёзган сатрлар сизни-да мутаассир этади. Ҳангомаларига мароқланиб куласиз. Ёш қаламкаш буни қийналмай уддалаши ёзмишларида балқиб туради.

Тўғриси, ушбу китоб бир саховатпеша инсоннинг ташаббуси ва молиявий кўмаги билан дунё юзини кўрганини эшитиб, тўпламни ўқимагунча муаллифни танимасдим ҳам. Қарангки, у билан бир тумандан эканмиз. Қишлоққа йўлим тушганда уни йўқлаб бордим ва яқиндан танишиб олдик...

Синовли йиллар

— Ерга урса осмонга сапчийдиган бола эдим, — завқланиб эслайди у. — Ўйинқароқ бўлсам-да, ўқиш ва ёзишни мактабга бормасдан ўзлаштирганман. Мактабда ўтадиган байрамларда шеъру қўшиқ ҳам айтиб кетаверардим.

Бошланғич синфда эканлигимда тунлари оёғим оғрийдиган бўлди. Ота-онам «эскилик»дан, деб мулла-эшонларга ўқитишарди. Вақтинча яхши бўлиб кетардим. Сўнг яна оёқ оғриғи бошланарди. Мактабга ойлаб бормай қолсам ҳам, тузалган чоғларим бориб чоракликлардан аълога ўтиб, ўқишни давом эттирардим. 2002 йили Қарши шаҳрида даволандим. Айтишларича, баъзи укувсиз шифокорлар ўша вақтда мени нотўғри даволашган, ревматизмнинг энг оғир формасига уриладиган кучли дориларни қўллаган экан. Табиийки, дори кучи билан бир муддатга жуда тез соғаярдим. Аммо олти ойдан кейин яна шу муолажа...

2004 йили биринчи марта мутлақо ётиб қолдим. Табиб дедик, дўхтир дедик, яна бир ойда оёққа туриб кетдим. 2005 йилнинг охирларида аҳволим жуда оғирлашди. Ўшанда 7-синфда эдим. Кўпчиликнинг тавсияси билан Китоб туманидаги шифохонага бордик. Шифокор бир ой ўрнимдан турмасликни тайинлади. Бир ойдан сўнг бутунлай туролмай қолдим. Шифокор негадир уйга жавоб берди. Мен то ўзим юриб кетмагунча бу ердан кетмаслигимни айтдим. Бу ишим дард устига чипқон бўлган экан. Чунки, қайсарлигим боис, шифокор оёққа турғизаман, деб яна кучли дориларни қўллади. Ҳатто республика бўйлаб буюртма қилинган дориларни келтирдик. Оқибатда, тамоман ҳолдан тойиб, сув ҳам ичолмайдиган ҳолга келдим...

Вазият оғирлашавергандан кейин хархашамга қарамай, қирқ кун уйга жавоб беришди. Қизиғи, уйга келиб, дори қабул қилишни тўхтатгач, анча яхшиланиб, овқат ейдиган бўлиб қолдим. Китобга қайтиб борганимда, бу сафар қўлтиқ таёққа суяниб юрган бўлсам ҳам, шифокор мени бир текшириб кўрди-ю, олиб қолишдан бош тортди. «Бола ўзи тузалиб бўлибди-ку, ўзингизнинг туманингизга олиб боринг...» деб кўнглимизни кўтарди. Мен унинг нимага бундай қилганини фаҳмладим, ота-онам

Давра суҳбати

Хоразм вилоятида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда касаба уюшма фаоллари, тармоқ тасарруфидаги касб-ҳунар коллежи битирувчилари, оилавий корхоналар, бозорлар маъмурияти вакиллари, якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этишди.

Фаровонлик гарови

— Тармоқ касаба уюшмаси томонидан мазкур йўналиш вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди тармоқ Марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси Бахтиёр Ибрагимов. — Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган давра суҳбатларига касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг жалб қилинаётгани айни муддао бўлмоқда. Соҳа вакиллари билан мулоқотда бўлиш, улар тажрибасини ўрганиш имконияти ёшларнинг оилавий тадбиркорликка иштиёқини оширмоқда.

Давра суҳбатида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни асосида оилавий корхоналарни ташкил этишда кўрсатилаётган амалий ёрдам, ҳунармандчиликни ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, расмий меҳнатнинг афзалликлари, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада банк кредитларининг роли ва аҳамияти ҳақидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

Марказий сайлов комиссиясида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимиятининг бошқа қайсидир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлилигини, очиқлиги ва ошкоралигини, қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим кафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов компаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошкоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтақавий тадбирлар ўтказишни назарда тутади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлашиши, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

Сизнинг адвокатингиз

Ходимлар ишга тикланди

Марзия Жовлиева ҳамда Алия Хонсуварова узоқ йиллардан буён Чироқчи тумани ветеринария лабораториясида фаолият юритиб келишарди. Бироқ, бу икки ходимнинг ҳақпарварлиги ҳаммага ҳам бирдек ёқарди, деб бўлмасди. Натижада, жорий йил 16 январ куни улар ишдан бўшатилди.

Чорасиз қолган ходимлар Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашига ариза билан мурожаат қилишди. Вазият касаба уюшма ҳуқуқшунослари томонидан ўрганилганда меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида Меҳнат кодексининг бир қатор бандлари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, шартнома иш берувчининг ташаббуси билан МКнинг 100-моддасига кўра бекор қилинган. Ушбу модда номуайян муддатга тузилган ёки муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши асосли бўлиши шарт эканлигини тақозо этади.

М.Жовлиева ва А.Хонсуварованинг меҳнат шартномалари ушбу модданинг 7-бандига кўра, яъни ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан бекор қилинган. Бироқ, ҳуқуқшунослар ходимларни ишдан бўшатиш пайтида маъмурият томонидан касаба уюшма қўмитаси розилиги олинмаганини аниқлашди. Бундай ҳолатда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Шунга асосланиб, туман ветеринария лабораторияси маъмуриятига ходимларни ўз жойига ишга тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилди. Натижада, 12 март куни ходимлар ишга тикланди.

М.АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юристконсулти

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон тиббиётининг онкология тизими, ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни самарали даволашнинг замонавий усуллари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Республика Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Республика Онкология илмий маркази директори С.Наврўзов ҳамда тизимнинг етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Онкология касаллиги эрта аниқланса...

Анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида тиббиётимизнинг турли жабҳаларида, шу жумладан, онкология тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Онкологик муассасаларни замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоят онкологик диспансерлари янги биноларга кўчирилди. Фарғона, Навоий ва Жиззах вилоят онкология диспансерларида эса радиология бўлимлари ташкил этилди. 13 та вилоят онкология диспансерида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳозирда вилоят онкологик диспансерлари замонавий нур билан даволаш ускуналарига эга.

Барча онкологик муассасаларнинг вертикал интеграциялашган тизими яратилганлиги ҳамда хавфли ўсмаларни ягона стандартлар асосида ташхислаш ва даволаш, скрининг тадқиқотларининг жорий этилиши касалликни эрта аниқлаш имконини беряпти.

Хасталикни кечиктирмай аниқлаш мақсадида тажрибали мутахассислар иштирокида кенг жамоатчилик орасида бепул тиббий текширувлар ўтказилаётир. Натижада, сут бези ва бачадон бўйни саратони касаллигининг I ва II босқичларида аниқлаш ва уни даволаш фоизи қарийб икки маротаба ортишига эришилди.

— Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, — дейди Республика Онкология илмий маркази директори С.Наврўзов, — сўнгги етти-саккиз йил ичида марказимизда сут бези, меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталикларида жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фаолиятини тиклашда ижобий натижаларга эришилди. Қувонарлиси, МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, меъда олиб ташлангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини тиклаш, ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш жарроҳлиги, яъни бемор ичагидан ошқозон ҳосил қилиш операцияси қўлланилмоқда. Бу усул юзлаб беморларнинг соғайишига кўмак беряпти.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 16,17,18 июн кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади. Ушбу «Ким ошди» савдосида қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

«Аму-Сурхон» ИТХБ қошидаги Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси томонидан савдога чиқарилган:

1. ГБАСНГММЗ-554М русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, 75/542 GAA давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 1 464 139 сўм.**

2. КАМАЗ-5320 русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, 75/359 НАА давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 1 715 185 сўм.**

Термиз шаҳар «MOBILINE-HITER» МЧЖ томонидан савдога чиқарилган:

1. LADA-21310-126-41 русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, 75/078 JAA давлат белгили, техник соз ҳолатдаги автомашина. **Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.**

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО:01001, ИНН:206710579 га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96.Гувоҳнома № 719.

ҳафа бўлди, лекин ич-ичимда тузалишимга бир ишонч бор эди. Уйга қайтдик...

Бироз вақт ўтиб, туман касалхонасига бордик. У ерда мени текширган невролог ажабланди: «ҳеч қанақа неврологик касаллик йўқ, нимага оёғини боса олмаётганига ҳайронман». Эртаси куни ревмокардиолог текширди ва тез орада юриб кетишимга умид билдирди: «фақат мускулларинг заифлашиб кетибди, балки кейинги йили мактабга чиқарсан...» деди. Бу гапни эшитиб, мускулларим заифлашгани юришимга тўсқинлик қиладиган нарса эмасдай туюлди. Муҳими, юрмаётганим касалликдан эмас экан, деган фикр пайдо бўлди. Каравотимнинг ёнида иситиш трубаси бор эди.

Аҳ ёнё!

Ярим тунда ўрнимдан туриб, тонггача юришни машқ қилдим. Ишонасизми, йўқми, ўша тонгда таёқни ташлаб юриб кетдим. Ҳамма ҳаяжон ва хавотир аралаш қувонди... Аммо, қандай тез юриб кетган бўлсам, шундай тез ётиб қолдим. Бироқ, умидим сўнмади. Бир куни телевизорда икки қўли йўқ, оёқлари билан расм чизишни ўрганган хорижлик рассомни кўрсатиб қолишди. Ундан кўп нарса ўргандим. Хасталик олдида ҳеч қачон бўй бермасликка аҳд қилдим...

...Икки йил ўқимаганим учун мактабда синфдан қолдирадиган бўлишди. Имтиҳон олишларини илтимос қилдим ва аввал ҳам бўлганидек, имтиҳонларни аълога топширдим...

...Самарқандга шифо излаб бордик, фойдаси бўлмади. Тошкентга борганимда тиббий қоғозларимни кўрган мутахассислар даволаниш узоқ муддат давом этишини таъкидлашди. Эртанги куним бугунимдан ҳам яхшироқ бўлиб боришига астойдил ишондим. Мана, икки йилдирки, таёққа суяниб юра бошладим...

Изланиш ва самара

Мактабда 7 йил ўқиганман. Орада боролмай қолганларимни ҳисобласа, ундан ҳам кам чиқар. Аммо мустақил равишда ҳар йилги дарсликларни ўқиб, тушунмаганларимни яқинларимдан сўраб, ўрганиб бордим. Имловий хатоларимни ўқиётганда сўзларни эслаб қолиш орқали тузатиб бордим. Меҳнатларим маҳсули сифатида чоп этилган китобим мени янада руҳлантирди. Бунинг учун менга ҳомийлик қилган Зулфиқор ака Холмирзаевга минг раҳмат айтаман. Ҳозир «Таъқиб» номли қисса ва бир неча ҳикояларимни қайта ишлаяпман, янгиларини ҳам қоралаб бораяпман.

Эътироф

— Ижод дарди, завқи ҳаммада ҳам бўлади, лекин у кимда қандай даражада?! — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Набижон Ҳошимов. — Одатда шунчаки оддий воқеаларга ё эътибор қиламиз, ё қилмаймиз. Суҳбат асноси гапириб, тезда унутиб ҳам юборамиз. Ижод аҳлида бу жараён бошқача кечади. Байрамали ижодкор сифатида шундай кундалик воқеа-ҳодисаларга тийран нигоҳ ташлайди. Ўқувчининг кўз олдига тасвирлаётган воқеасини аниқ-тиниқ келтира олиш қобилиятига эга. У кенг кўламдаги ана шундай ижод дардини болаликданоқ кўтариб келаётган ёшлардан. Ҳали бу ёш ижодкор дўстимиз энг сара бадиий асарлар ёзишига ишонаман.

Ари воқеаси

«Яқин йиллардан бошлаб ҳудудимизда бизга нотаниш бўлган ранги сариқ, ғалати бир ари тури пайдо бўлиб қолди. Бир куни онам:

— Болам, шу арилар сал ғалатироқмиа?!. Энсамни қотирди, — деб қолди.

— Нега? — ажабландим мен.

— Ҳали тандир айвонга бир қанчаси ин қурган экан. Уясини турткилаб кўрсам ташлаб қочишадими-ей!. Эй, ўзимизнинг жайдари арининг инига тегиб кўр-чи, қочиб қолмасанг, нақ кунингни кўрсатади. Жониям кўзига кўринмайди. Бузилган уяси ўрнида ғуж бўлиб, бир пасда яна шу жойдан ўзига ин қуриб олади.

— Онажон, ўзбекларнинг арисиям юртим деб яшайди-да! — дедим тўлқинланиб ва шеър ёзгим келиб кетди:

Разолат қўллари синган замонда,
Урушлар, жанжаллар тинган замонда,
Одамлар инсофга инган замонда,
Шу юртга жонимни бергим келади.

Шоирлар қисмати — нолиш қилади,
Бўзлаган булбулдек хониш қилади,
Кимлардир гапимни тинглаб кулади —
Шу юртга жонимни бергим келади.

Дўстларим, Ватанни онадай суйинг,
Унинг ҳок пойидан гоҳ ўпиб қўйинг,
Баландпарвоз эмас менинг бу ўйим —
Шу юртга жонимни бергим келади...»

Хулоса

Гарчи фойдасидан зарари кўп тегса ҳам уясини қўриқлаган арини-да ўзгача меҳр билан яхши кўрган ўзбек онанинг фарзанди бўлган Байрамалининг ҳаёт синовларида тобланган метин иродаси, ҳар ишда бир хайр бор, деган шиори, узоқ давом этган хасталик хуружларига мардонавор кўрсатган матонати нафақат тенгдошлари, балки ҳар биримиз учун сабоқ бўлса арзигуликдир. Унинг кейинги ижодига янада юксаклик, ўзига мустаҳкам соғлик тилаймиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Хотира — муқаддас, қадр — абадий

Касаба уюшмалари — фахрийларга

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2014 йил 29 апрелдаги «Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциясини ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-ходимлар, талаба-ёшларнинг Ватанимиз озодлигини таъминлаш, обрў-эътиборини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари билан ташкил қилинган учрашувлар, давра суҳбатлари барчага олам-олам завқ бағишлади. Кўпни кўрган инсонлар ўз ҳаёт йўллари билан бугунги ёшларга яратилган имкониятларни қиёслаган ҳолда фикрларини баён қилдилар. Касаба уюшмалари томонидан фахрийларга совғалар улашилди.

— 20 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг буюк аломалар қадамжоларига ҳамда мустақиллик даврида мамлакатимизда бунёд этилган масканларга ташрифи ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари Баҳодир Бобожонов. — Хивадаги «Мурувват» уйига ташриф буюрган касаба уюшма вакиллари самимий эҳтиромларини баён қилган ҳолда моддий кўмаклашдилар.

Эрта тонгдан вилоят касаба уюшмалари уйи олдида бирлашма ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари, шаҳар кенгашлари раислари ҳозиру нозир бўлдилар. Шу куни Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳолидан хабар олиниб, уларга касаба уюшмаларининг моддий кўмаги етказилди.

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси уруш фахрийларидан 209 нафарига ҳамда мустақиллик йилларида хизматини ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларидан 4 нафарининг оилаларига касаба уюшмалари бюджети ҳисобидан манзилли ёрдам кўрсатилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси молия бўлими мудири Омонжон Хўжаева. — Шунингдек, 4 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисига «Хонқа» санаторийсига йўлланма ажратилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари томонидан уюшқоқлик билан ташкил этилди. Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан 219 нафарига ва мустақиллик йилларида хизматини ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг оилаларига «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлинмаси, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари билан биргаликда эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди. 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул дам олиши учун йўлланмалар тарқатилди.

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан кўплаб тадбирларни амалга оширдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жондор туман кенгаши раиси Жалол Ашуров. — Иккинчи жаҳон урушида қатнашган тумандошларимизни муборакбод этиб, уларга байрам совғалари улашилди. Тўкин дастурхон атрофида уларнинг унутилмас хотиралари тингланди. Бетоблиги туфайли ётиб қолган фахрийлар ҳолидан хабар олинди. Ватан ҳимоясида жон фидо қилганлар шарафига ёшлар ўртасида Хотира турнирлари ташкил этилди.

— Тинчликка ҳеч нима тенг кела олмайди. Бу улуғ неъматнинг қадрига етиш ва асраб-авайлаш барчанинг бурчи бўлмоғи керак, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Салим ота Ҳамроев. — Бугунги дориламон кунларга, фаровон турмушимизга шукроналар қилайлик.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Пештоқига «Ўзбекистон локоматив депоси» деб ёзилган ҳашамдор дарвозадан кирарканмиз, қулоғимизга ёқимли мусиқа садолари чалинди. Тўрда мазкур корхонада узоқ йиллар ишлаган, кўксини ордену медаллар қоплаган фахрийлар савлат тўкиб ўтиришибди.

Тадбирни «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Ўзбекистон локоматив депоси бошлиғи Юсуф Ҳайитов очиб, корхона тарихи ҳамда унинг ривожланишида кекса авлод вакилларининг қўшган ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Айни вақтда, жамоа фахрийлари рўйхатида 11 нафар уруш қатнашчиси, 20 нафар фронт ортида хизмат қилганлар ҳамда 31 нафар байналмилалчи-жангчилар бор. Улар маъмурият ва касаба уюшма ташкилотининг доимий эътиборида.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийлари Наби ота Раимов, Рашид Богданов, Абдулҳай Мазахаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлқин Ибрагимов фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром учун Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

Василий Лебедев, уруш қатнашчиси:

— Урушдан сўнг Ўзбекистонга келиб, шу корхонага ишга кирдим ва 37 йил жамоада меҳнат қилдим. Меҳнатим беиз кетмади. Корхонага ҳар йили байрам муносабати билан таклиф қилишади. Биз фахрийларга кўрсатилаётган эъзоздан жуда мамнунман. Шундай мамлакатда яшаётганимдан фахрланаман.

Абдураҳим Махаматов, байналмилалчи-жангчи:

— 24 йилдан буён шу корхонада авточилангар вазифасида ишлаб келяпман. Кўплаб шогирдлар тарбиялядим. Турли имтиёзлардан фойдаланяпман. Бугунги тадбир ташкилотчиларига раҳмат айтаман.

Тадбир якунида фахрийлар корхона ҳудудида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қурилиб топширилган волейбол, баскетбол майдонлари ва тренажёр хонасини томоша қилишди.

Бир пиёла чой устида суҳбат янада қўр олди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎзКУФК Раёсатининг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акциясини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳарларида ўтганларнинг хотираси ёд этилиб, фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.

— Эзгу ишларда елкама-елка туриб, эл-улус корига яраш барчамизнинг қонимизга сингиб кетган азалий қадриятларимиздан, — деди Республика касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ҳасен Ермагамбетов. — Фаоллар билан барча фахрийларнинг хонадонида бўлдик. 119 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига ва 9 нафар хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилари оилаларига манзилли ёрдам кўрсатдик. Ушбу саховатли ишлар учун 32 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларининг мустақиллик йилларида бунёд этилган воҳанинг диққатга сазовор жойларига ташрифи уюштирилади.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маъмурияти Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси Яхшибой Файзиевга отаси

Қўзибой бобонинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси меҳнат фахрийси

Александра МИРОНОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 13-may № 59 (3408)

ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эркин, юнон-рум ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича ўсмир ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида вакилларимиз олтин ва учта бронза медали соҳибига айланишди.

ИЛҲОМ НАНКИНГА БОРАДИ

Мусобақада қитъамизнинг иқтидорли ёш курашчилари совринли ўринлар ва жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун баҳслашмоқда.

Юнон-рум кураши бўйича вазни 50 кг. гача бўлган полвонлар беллашувида ҳамюртимиз Илҳом Баҳромов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ушбу вазнда эронлик Муҳаммадризо Алиризо Аганиачари кумуш медални қўлга киритган бўлса, қозоғистонлик Алишер Тугенов ва КХДР вакили Ёнг Жин Ро бронза медалга лойиқ топилди.

Полвонларимиздан Жасурбек Ортиқбоев (42 кг.) ва Искандарбек Собиров (58 кг.) юнон-рум кураши, Сардорбек Холматов (85 кг.) эркин кураш бўйича бронза медални қўлга киритди.

ДЗЮДО

Боку шаҳрида дзюдо кураши бўйича ўтказилган «Улкан тож» туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ниҳоясига етди.

УЧ ПОЛВОН, УЧ БРОНЗА

Дунёнинг 41 давлатидан келган 247 полвон иштирокида ўтказилган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта бронза медалига сазовор бўлди.

Дастлабки кундаги баҳсларда иштирок этган вакилимиз Шарофиддин Лутфуллаев -60 кг. вазн тоифасида шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. -100 кг. вазнда татамига чиққан икки полвонимиз — Рамзиддин Саидов ва Сойиб Қурбонов ҳам ярим финалгача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтишди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Бадиий гимнастика бўйича уч карра Жаҳон Кубоги совриндори, 2013 йилги Бутунжаҳон ўйинлари бронза медали соҳиби, уч карра Россия чемпиони Елизавета Назаренкова бундан буён Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

РОССИЯ ЧЕМПИОНИ... ТЕРМАМИЗ АЪЗОСИ

Юртимиз Гимнастика федерацияси берган маълумотларга кўра, Елизаветта Назаренкова Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилган ва мамлакатимиз терма жамоаси сафида ўзининг дастлабки мусобақасини жорий йилнинг 20-25 май кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган Жаҳон кубоги баҳсларида ўтказади.

ФУТЗАЛ

Ветнамнинг Хошимин шаҳрида футзал бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўрин учун кечган баҳсда Қувайт терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, бронза медали соҳиби бўлди.

ИРОДАЛИ ҒАЛАБА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг «D» гуруҳида дастлаб Қирғизистон вакиллари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, иккинчи турда қитъамизнинг амалдаги чемпиони Япония терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Сўнгги турда футболчиларимиз Жанубий Корея терма жамоасини 3:0 ҳисобида енгди ва гурухда биринчи ўринни эгаллаб, плей-офф босқичига йўл олди.

Чорак финалда Ливан терма жамоасини 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратган терма жамоамиз аъзолари ярим финалда эронликларга имкониятни бой берди.

Терма жамоамиз аъзолари учинчи ўрин учун кечган баҳсда иродали ўйин намойиш этишди. Баҳодир Аҳмедов шогирдлари ўйиннинг 11-дақиқасида Дилшод Раҳматовнинг аниқ ва кучли зарбаси эвазига ҳисобни очган бўлса, 35-дақиқада Фарҳод Абдумавлонов бурчакдан ошириллган тўпни рақиб дарвозасига жойлади. Орадан бир дақиқа ўтиб, қувайтликлар ҳисобдаги фарқни қисқартирди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси шу пайтга қадар ўн уч бор Осиё чемпионатида иштирок этиб, уч маротаба кумуш (2001, 2006, 2010 йиллар) ва икки бор бронза (2005, 2007) медалига сазовор бўлган.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Мана 8 йилдирки, соғлигимни тиклаш учун кетмакет даволанаман, жарроҳлик столига ётаман. Касалим неврологик ва ортопедик ревматологик бўлгани боис, турли бўлимларда муолажа оламан. Шу йилнинг март ойида Республика Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг Протезлаш бўлимида даволандим.

ЯХШИЛАР БАРАКА ТОПСИН!

Мени кўрикдан ўтказган марказ бош шифокори ўринбосари Б.Каримовнинг инсонийлиги, айниқса, таҳсинга лойиқ. Протезлаш бўлимига келгач, бўлим бошлиғи Д.Рўзибоев ва палата шифокори Х.Раҳмоновнинг беморларга бўлган эътибори янада кўнглимни кўтарди. Аввало, уларга бу ерда даволанган ва даволанишга келган барча беморлар номидан ташаккур айтаман!

Шифохонада барча қулайликлар яратилган. Палаталарнинг санитар-гигиеник ҳолати аъло. Ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми! Юришга, ҳаракатланишга қийналаётган барча беморларнинг чақириғига «лаббай», «хўп бўлади» деган ширин каломлар билан жавоб беришади. Эрталаб уйқудан уйғонганимизда «ассалому алайкум, яхши ётиб турдингизми, кечаси оғриқлар безовта қилмадими, бугун кўринишингиз кечагидан яхши, энди янаям яхши бўлади, чунки ҳозир сизга ўзи аччиқ, таъсири ширин уколларингизни қилиб қўямиз», деб табассум ҳадя қилишади. Кун якунида ҳам худди шундай ширин калом билан хайрлашади.

Физиотерапия хоналаридаги озодалик, сокинлик беморлар осойишта ётиб муолажа олишларига имкон яратади. Хуллас, бу шифохонада биринчи марта даволанишга ётдим ва олам-олам таассуротлар билан қайтдим. Беморлар учун шундай имконият ва шароитларни яратиб қўйган барча яхшилар барака топишсин!

Гулноз САИДОВА

Реклама ва эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «SOVPLASTITAL» ОАЖ кузатув кенгашининг 2013 йил 12 июлдаги 6-сонли йиғилиш қарорига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20 мавзе, Катта Қаъни кўчаси, 35-«А» ва 35-«Б»уй манзилида жойлашган, умумий майдони 7636,0 кв.м. бўлган, А, Б, В, Г, Д, Е, И, Ж блоклардан иборат бино-иншоотларининг такрорий савдолари ҳақида қўшимча равишда маълум қиламиз. **Мулкнинг бошланғич баҳоси – 5 371 371 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 21 май куни соат 12:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 19 май куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 21 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2014 йилнинг 28 май, 4, 11, 18, 25 июн, 2, 9 ва 16 июл кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 28 майдаги савдо учун 26 май, 4 июндаги савдо учун 2 июн, 11 июндаги савдо учун 9 июн, 18 июндаги савдо учун 16 июн, 25 июндаги савдо учун 23 июн, 2 июлдаги савдо учун 30 июн, 9 июлдаги савдо учун 7 июл, 16 июлдаги савдо учун 14 июл кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лдаги ҳ/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия RR-0001.

Саломатлик сабоқлари

Бош оғришига бефарқ бўлманг...

Гипертония касаллиги инсон ҳаётига жиддий хавф солиши билан кўзга кўринмас қотил номини олган. Афсуски, хасталикнинг пайдо бўлишига кўпинча беморларнинг ўзи сабаб бўлади. Халқимиз тилида хафақон деб аталувчи бу касаллик энг кўп тарқалган юрак-томир хасталигидир. Ер юзидаги ҳар беш кишининг бирида юқори қон босими аниқланган. Гипертония хасталиги, унга сабаб бўлган омиллар, касалликнинг кечиши, гипертоник криз, қон босими кўтарилганда беморга кўрсатилиши лозим бўлган биринчи ёрдам ҳақида олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Касаллик дастлаб бош оғриғи, асабийлик, бош айланиши, хотира ва фаолиятнинг пасайиши билан кузатилади. Шунинг учун бемор дастлаб бу хасталикка чалинганини билмайди, ўзидаги ҳолатни чарчоққа йўйиб, ўзбошимчалик билан даволанади. Натижада бош оғриши ва дармонсизлик сурункали тус олади. Юқори қон босими эса юрак, томир, буйрак, кўз, мия фаолиятига таъсир кўрсатиб, саломатликка жиддий путур етказади.

Хасталик асорати сифатида инфаркт, инсулт, стенокардия, кўриш қобилиятининг сусайиши, буйрак етишмовчилиги, мияга қон қуйилиши каби касалликлар пайдо бўлади.

Маълумки, юрак ва томирлар фаолиятини асаб тизими бошқариб туради. Ана шу марказ ишининг бузилиши — артериялар деворидаги мушакларнинг қисқариб, томирларнинг торайиши улардаги қон босими ортишига олиб келади. Юрак торайган томирлардан қонни зўриқиб ўтказади. Кучли босимга дош беролмаган томирлар шикастланиб, маълум аъзога қон қуйилишига сабаб бўлади.

Камҳаракатлик, узоқ ўтириб ишлаш ҳам хафақонга замин ҳозирлайди. Бу касалликнинг ривожланиши учун энг хавфли омил ортиқча вазндир. Мутахассисларнинг кузатишларича, ҳар бир килограмм ортиқча вазн қон босимини 2 мм. симоб устунига кўтаради.

Хўш, артериал босим меъёрида қанча бўлиши керак? Артериал босим 16-20 ёшда — 100/70 ёки 120/80; 20-40 ёшда — 120/70 ёки 130/80; 40-60 ёшда — 135/85 ёки 140/90; 60 ёшдан катталарда 140/100 гача бўлиши керак. Қон босими бир неча кун давомида 140/90 ёки ундан ҳам баландда бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

Хафақон касаллиги тўрт босқичда кузатилади. Дастлабки босқичда бемор тез чарчайди, асабийлашади, уйқуси бузилади, эрталаблари бош оғриғи безовта қилади. Бунда артериал босим ўртача 130/95, 140/100 гача кўтарилади. Бемор бироз дам олгач, меъёрига тушади. Иккинчи босқичда қон босими 150/100, 160/110 гача кўтарилади. Юқоридаги белгиларга қўшимча юракда оғриқ, тез юрганда, зинадан кўтарилганда нафас қисиши, юз қизариши, терлаш, хотира пасайиши пайдо бўлади. Бош кучли оғрийди.

Касалликнинг бу икки босқичида даволанса бўлади.

Қон томирларида холестерин ҳосил бўлиши учинчи босқичда кузатилади. Бунда склероз ривожланади. Тўртинчи босқичда беморнинг умумий ҳолати ёмонлашади. Қон томирлари, буйрак, юрак, бош мия зарарланади. Нафас қисиши, юрак оғриғи кучайиб кетади. Хотира пасайиб, асаблар таранглашади, кўз олди хиралашади, эрталаб қовоқлар, юз ва қўл-оёқларнинг шишиши, бармоқлар увишиши кузатилади. Узоқ давом этган спазм натижасида инфаркт ривожланади, бош мияда қон айланиши бузилиб, фалаж юзага келади.

Гипертоник кризда қон босими тўсатдан кескин кўтарилади. Бунда беморнинг боши лўқиллаб оғрийди, кўз олдида юлдузчалар пайдо бўлади, ҳолсизланиш, юракда оғриқ, нафас қисиши юзага келади. Бундай ҳолат касалликнинг барча босқичига хос.

Гипертоник криз баҳор ва куз ойларида кўпроқ кузатилади. Касалликнинг пайдо бўлишига об-ҳавонинг таъсири жуда катта.

Хасталикка аёллар эркакларга нисбатан 6 баробар кўп чалинади. Гипертоник криз ҳам бир неча босқичда кузатилади. Қон босими кўтарилишининг 1-2-босқичида криз қисқа муддатда бўлса ҳам, тез-тез такрорланади. Бир неча дақиқадан икки-уч соатгача давом этади. Иккинчи ва учинчи босқичда кескин бош оғриғи, қулоқда шовқин, уйқучанлик, кўнгил айниши, қусиш, кўриш ва эшитиш қобилиятининг сусайиши кузатилиб, у бир неча соатдан тўрт-беш кунгача давом этади. Криз натижасида инсулт, инфаркт, мияга қон қуйилиши, юрак етишмовчилиги, ўпка шиши каби ёмон оқибатлар юзага келади.

Беморнинг умумий аҳволи оғирлашганда «тез ёрдам» чақириш шарт. Унга қадар беморни ярим ўтирган ҳолда ётқизиш, тизза ва товонларини грелка ёки иссиқ сувли ванна билан иситиш, карвалол ва анаприлин, қаттиқ бош оғриганда папаверин бериш керак. Қон босимини туширувчи дориларни врач назоратисиз қўллаш тавсия этилмайди. Негаки, босимнинг кескин тушиб кетиши бемор ҳаётига хавф солиши мумкин.

Касалликни даволагандан кўра олдини олган афзалдир. Бу ҳаётий ҳикматни ҳамиша ёдда тутиш зарур! Қон босимини меъёрида ушлаб туриш учун кун тартибига қатъий риоя қилиш шарт. Ҳар куни енгил жисмоний машқлар қилиш, пиёда юриш, айниқса, сувда сузиш фойдали.

Овқатга ишлатиладиган туз миқдорини камайтириш, дудланган маҳсулотлар, пишлоқ, тузламалар, колбаса, консерва, майонез, кетчуп, хамирли овқатлардан кўп истеъмол қилмаслик тавсия этилади. Буларнинг ўрнига мева ва кўкатлардан фойдаланиш керак. Шунингдек, овқатга ўсимлик мойи ишлатиш, ҳайвон ёғлари, қовурилган таомларни камайтириб, ёғсиз творог истеъмол қилиш зарур. Шунда қондаги холестерин миқдорини меъёрида ушлаб туриш мумкин.

Қон босими кўтарилишида энг ёмон ҳолат асабийлашиш, стрессдир. Аммо ҳаёт биз ўйлагандан кўра мураккаброқ, баъзан қайғуга ботамиз, таъзияли кунлар бўлади. Бундай пайтда киши сиқилмай иложи йўқ. Аммо саломатлик ҳамма нарсадан устун. Шунинг учун одам ўзини тинчлантириши, чуқур нафас олиши, иложи борича жанжалли, азали жойдан тезроқ чиқиб кетиши, бошқа нарсага чалғиши зарур. Атроф-муҳитдаги нуқсонларга эътибор бермаслик, кечиримли бўлиш, руҳиятни туширмаслик соғлиқ учун муҳимдир.

Агар сизга қон босими ташхиси қўйилган бўлса, касалликнинг йўлдоши бўлган мия инсулти, инфарктнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш, кўпроқ пиёда юриш, сайр қилиш, ўз вақтида дам олиб, яхши ухлаб, ҳамиша шифокор назоратида бўлиш тавсия этилади.

Қон босими юқори беморлар даволовчи шифокор, кардиолог, ички касалликлар ҳамда асаб касалликлари бўйича мутахассисларга учраши лозим. Касалликни даволашда шифокор белгилаган дори-дармон билан бирга шифобахш гиёҳлар, игнабаргли дарахт шохларидан ванналар ҳам яхши самара беради. Шунингдек, беморнинг невроз ҳолатини бартараф қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. У кўпроқ вақтини очиқ ҳавода ўтказиши, тинчлантирувчи дориларни истеъмол қилиши, ётишдан олдин бир-икки соат сайр қилиши зарур. Касалликнинг иккинчи-учинчи босқичига мансуб беморлар ортиқча жисмоний меҳнат, асабийлашиш, ўтириб туриш, бир жойдан бошқа жойга тўхтовсиз юришни талаб этадиган ишлардан сақланиши керак. Овқатланганда сут, қатиқ, чакки, творог, карам, турли ёрмалар, ўрик, исмалоқ истеъмол қилиш жуда фойдали. Чаккида инсон организми учун зарур оқсил ва дармондорилар мавжуд.

Сариёғ ва тухумни ҳафтасига икки-уч марта истеъмол қилиш мумкин. Семиришга мойил беморлар ҳафтасига бир-икки кун парҳез қилиши керак. Кун давомида 1,5 кг олма, 400 гр. творог, ярим литр қатиқ бешга бўлиб истеъмол қилинади. Парҳезли кунларда бемор кундузи ҳам дам олиши лозим. Қабзиятнинг олдини олиш учун сабзи, сувда пиширилган қизил лавлаги, олхўри ейиш, қатиқ ичиш зарур.

Халқ табобатида юқори қон босимини тушириш, асаб тизимини тинчлантириш учун қора зирк (барбарис)дан фойдаланишган. Ибн Синонинг ёзишича: «Қора зирк меваси сафрони енгиб қаттиқ ҳайдайди, қон босимини туширади». Шунингдек, халқ табобатида зирали чой қон босими ошган беморларга тавсия этилади.

Бунинг учун ярим литрли чойнакка бир қошиқча зира ва шунча кўк чой солиб, устига қайнаган сув қуйилади. 5-7 дақиқа дам едирилгач, кун бўйи чой ўрнига бир-икки ой ичилади. Кийикўт дамламаси ҳам шу усулда тайёрланади. Бу дамлама ҳам хафақонга яхши даво ҳисобланади.

Шунингдек, шивит, чилонжийда, тут, лимон ҳам юқори қон босимида фойдали. Айниқса, бир пиёладан лавлаги, сабзи ва турп, битта лимон шарбатини, бир пиёла суюқ асалга аралаштириб тайёрланган туркона дори хафақонга қирон келтиради. Ундан кунига 3 маҳал бир қошиқдан овқатдан бир соат кейин икки ой давомида ичилади.

Картошка пўчоғи қон босимини туширади. Бунинг учун картошка пўчоғини яхшилаб ювиб, қайнатасиз. Туз солинмайди. Пўчоқ пишгач, сузиб олинади ва суви кунига бир неча маротаба ичилади.

Укропдан тайёрланган дамлама овқатнинг енгил ҳазм бўлишига ёрдам беради, юрак фаолиятини яхшилаб, қон томирларини кенгайтиради, қон босимини пасайтиради, қатиқ зардобига укропни майдалаб, аралаштириб ичилса, асабни тинчлантириб, қон босимининг пасайишига кўмаклашади.

«Ishonch» мухбири
Амина ҚОДИРОВА сухбатлашди

Газетанинг навбатдаги сони 17 май, шанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -23.30
Topshirildi - 23.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 345